

## Фойда Ҳисобининг Ўзига Хос Хусусиятлари

Каландарова Г.<sup>1</sup>

**Аннотация:** Корхоналар молиявий муносабатлари таркибида фойдани ташкил этиш ва уни солиққа тортиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада фойда корхона ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий белгиси сифатида талқин қилиниб, давлат бюджети учун фойда солиғини шакллантириш зарурияти асосланган. Фойдани солиққа тортиш борасидаги мавжуд вазият таҳлил қилиниб, меъёрий-ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Фойда ва фойда солиғи бўйича етакчи олимлар фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек, фойдани ва уни солиқ объекти сифатида шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Ключевые слова:** фойда, фойда солиғи, фойда солиғи механизми, корхона, давлат бюджети, фойда солиғи объекти.

Президентимизнинг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, фаолиятнинг самарадорлигини тубдан ошириш, инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ва инвесторлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот ахборотларини нашр қилиш белгиланди<sup>2</sup>.

Ўз навбатида инвесторларни жалб қилишда инвестиция киритиш орқали олинadиган фойда миқдори, фойдадан тўланадиган солиқлар, солиқ имтиёзлари қизиқтирадиган асосий жиҳатлардан ҳисобланади. Хорижий инвесторлар инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилиши учун асосий ахборот манбаи ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва уларнинг ишончлилиги муҳим ҳисобланади. Халқаро миқёсда инвестицияларни жалб қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган экан хорижий инвесторлар учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ўрганиб чиқишдан кўра бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида юритилган ҳисоб маълумотлари билан танишиш қулай ҳисобланади<sup>3</sup>.

Бунда, инвесторларни қизиқтирган фойда миқдори, фойдадан тўланадиган солиқлар, солиқ имтиёзлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш зарурати юзага келади. Қуйида солиққа тортиладиган фойда ҳисобини юритишни халқаро асосида кўриб ўтамыз.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш солиққа тортиладиган ва бухгалтерия фойдаси орасида вужудга келадиган доимий ва вақтинчалик фарқлар бўйича аниқланади.

**Доимий фарқлар.** Солиққа тортиладиган ва бухгалтерия фойдаси орасида фарқлар вужудга келиш сабабларидан бири бўлиб, маълум бир моддалар бир ҳисоб-китобларга киритилади ва бошқасидан ҳисобдан чиқарилиши ҳисобланади. Масалан, айрим харажатлар солиққа тортиладиган даромад (фойда)ни аниқлашда йўл қўйиладиган айирмалар ҳисобланмайди, бироқ бу харажатлар бухгалтерия даромади аниқланганда айрилади. Шу каби фарқлар доимий фарқлар деб аталади. Доимий фарқлар - бу жорий ҳисобот даврида вужудга келадиган ва

<sup>1</sup> СДВМЧБУ Тошкент филиали “Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси

<sup>2</sup> Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон. ПФ-4720 24.04.2015

<sup>3</sup> Reliability of information provided in the financial report. Pirimkulov O. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13762652>



кейинги даврларда қайта ҳисобга олинмайдиган, солиққа тортиладиган фойда ва бухгалтерия даромади орасидаги фарқдир<sup>4</sup>.

Доимий фарқлар қонуний равишда тасдиқланган йўл қўйишлар ёки чекловлар соф бухгалтерия фойдасини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий, сиёсий ва маъмурий мулоҳазаларга асосланади. Бундай фарқларга бухгалтерия даромадининг бир қисми бўлиб иштирок этадиган, бироқ шу мамлакатнинг давлат қонунчилигига биноан солиққа тортилмайдиган, давлат облигациялари бўйича олинган фоиз мисол бўла олади. Бошқа мисол сифатида ҳисоботда асосий фаолият харажатларини билдирадиган, бироқ солиққа тортишда фойдадан айрилмайдиган, гудвилл амортизациясини келтириш мумкин. Доимий фарқлар фақатгина ялпи солиққа таъсир этади ва фойда солиғини тақсимлашда амалий ва назарий муаммоларни келтириб чиқармайди. Молиявий ҳисоботдан ташқари, улар бухгалтер таъсири доирасидан ташқарида бўлади ва шунинг учун биз бухгалтерия (солиққа тортишгача бўлган) даромади доимий фарқлар суммасига тузатилиши бажарилди, деган тахминдан келиб чиқамиз<sup>5</sup>.

**Вақтинчалик фарқлар.** Солиққа тортиладиган ва бухгалтерия фойдаси орасида вужудга келадиган фарқнинг бошқа сабаби бўлиб, иккала суммани аниқлашда киритилган маълум модалар турли ҳисобот даври ҳисобкитобларига киритилишидир. Масалан, ҳисоб сиёсати маълум даромадлар товар ва хизматлар берилган даврда бухгалтерия даромадига киритилишини белгилаши мумкин, бироқ солиққа тортиш қоидалари уларни пул маблағлари олинган даврда даромадга киритилишини талаб қилиши ёки бунга рухсат бериши мумкин. Бухгалтерия ва солиққа тортиладиган даромадларга киритилган бу даромадларнинг умумий суммаси бир хил бўлади, аммо ҳисобот даврлари ҳар хил бўлади. Бошқа мисол бўлиб, бухгалтерия даромад(фойда)ини аниқлашда қўлланиладиган усулдан фарқ қилувчи, солиққа тортиладиган даромадни аниқлашда қўлланиладиган амортизация усули хизмат қилиши мумкин. Бундай фарқлар вақтинчалик фарқлар деб аталади.

### Хулоса ва таклиф.

- Ўзбекистон учун амалдаги молиявий ва солиқ ҳисоби БҲМС бўйича бухгалтерия ҳисоби деярли солиқ ҳисобининг такроридир. Бу вазиятдан унумли фойдаланиб, “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 12-фойда солиқлари” ва Миллий стандартлар бўйича ҳисобнинг амалдаги Ҳисобварақлар режаси негизида янги, солиқ кодекси талабларига кўра қайта ишланган БҲС қабул қилинадиган бўлса, хавф-хатарлар даражаси пасаяди. Корхоналарнинг солиқлар ҳисоб-китобига таъсир кўрсатадиган МҲХС бўйича ҳисобдаги низоли масалалар талқин этилишига нисбатан хавотирланишига ҳожат бўлмайди. Солиқ органлари эса текширилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган, аниқ ва тўғри кўрсаткичлар келтирилган ҳисоботни оладилар<sup>6</sup>.
- 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига уйғунлашган ва бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш, ушбу ҳужжат матнида солиқ ва бухгалтерия ҳисобида фойда солиғини ҳисоблашдаги фарқларни ҳисобини олиб бориш тартибини белгилаш, инвестициялар оқимига ва хўжалик субъектлари ва солиқ хизмати органлари ўртасида солиқ низоларини юзага келиш хавфини қисқартиришга хизмат қилади.

<sup>4</sup>А.А.Остоноқулов. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида солиққа тортиладиган фойда ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил

<sup>5</sup>З.Ахроров. Фойда ва уни солиқ объекти сифатида шакллантириш зарурияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil

<sup>6</sup>Ризаев Х. Ўзбекистон республикасида 12-“фойда солиқлари” мҲХСини қўллаш жараёнидаги муаммо ва ечимлар. "Экономика и социум" №11(102)-2 2022



- Шунингдек фойда ва фойдадан солиқларни ҳисобини юритиш самарадорлигини ошириш учун бухгалтерия фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда, жорий фойда солиғи ва кечиктирилган фойда солиғининг моҳиятини олий таълим муассасалари талабалари, профессионал бухгалтер ва аудиторлар ўртасида ҳам кенгроқ тушунтириб бориш, давра суҳбатлари ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига уйғунлашган ва миллий бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янгидан ишлаб чиқишда қатор яхши фикр ва таклифларни йиғиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон. ПФ-4720 24.04.2015
2. Reliability of information provided in the financial report. Pirimkulov O. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13762652>
3. А.А.Остонокулов. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида солиққа тортиладиган фойда ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил
4. З.Ахроров. Фойда ва уни солиқ объекти сифатида шакллантириш зарурияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil
5. Ризаев Х. Ўзбекистон республикасида 12-“фойда солиқлари” мҲХсини қўллаш жараёнидаги муаммо ва ечимлар. "Экономика и социум" №11(102)-2 2022

